# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1996 йил 16 январ | 3(32)- сон


## ҚАРДОШЛИК ҚУВВАТИ

*Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бугун Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзовнинг таклифига биноан Туркманистонга амалий ташриф буюради*

Куни кеча матбуотда Туркманистон Республикасининг иқтисодий-сиёсий ҳаётига доир учта хабар ўқидим:

Биринчиси, Туркманистонда пул ва қимматбаҳо қоғозлар ишлаб чиқарувчи корхона қуришда инглиз мутахассислари иштирок қиладиган бўлишибди. «Барклайз-банк» президенти жаноб Роберт Уэйн Жерри бу ҳақда Туркманистон телевидениесида сўзлаб, мамлакатда олтин заҳираларини излаб топиш ва олтин ишлаб чиқаришда ҳам ҳамкорлик қилиш умидини билдирди...

Иккинчиси, мамлакат умумий даромадининг саксон фоизи давлат сектори зиммасида. Бюджетга қўшиладиган даромаднинг учдан бир қисми табиий газни экспорт (четга сотиш) орқали топилади. Бу йил газ сотиб, 1 миллиард 900 миллион доллар фойда кўриш мўлжалланмоқда. Истеъмолчилар нақд пул топиб бера олмаётгани учун 40 фоизини валютада, 60 фоизини товар-мол билан тўлаш келишилган...

Учинчиси, мамлакатнинг қонун чиқарувчи Олий маҳкамаси — Халқ Маслаҳати йиғилишида мамлакатнинг 1996 йилги давлат бюджети тасдиқланди. Унга кўра сарф-харажатлар 481,8 миллиард манатни (манат — мамлакатдаги пул бирлиги), даромад эса 461 миллиард манатни ташкил этиши кўзда тутилган...

Нима учун бу рақамларни келтиряпман? Иқтисодий янгилик, хабарларни, ҳисобдонлар шуғулланадиган сон, рақам, хомчўт, режаларни тилга олиш, шулар орқали мамлакат ҳаётини тасаввур қилиш шунчалик зарурми?

Ҳа. Дунё бугун ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар тўла бўлиши учун иқтисодий миқёсларни рақамлар йили ила баён қилишни уқтирмоқда.

Маълумки, бундан тўрт ярим йил муқаддам СССР деб номланган маҳобатли империя қулагач, майдонга чиққан янги, ёш мустақил давлатлар «энди қандоқ яшаш керак?» деган залворли савол билан юзма-юз қолдилар. Янги ҳаёт пойдеворини яратиш, турмуш равишларини замонга мослаб ўнглаш, энг муҳими, тинчлик-барқарорликни сақлаган ҳолда барча ижтимоий-сиёсий соҳаларда олға босиш Туркманистон учун ҳам осон кечмади. Бошқа барча янги мамлакатлар дуч келган қийинчилик, танглик, изланиш изтироблари бу мамлакат олдида ҳам рўйрост қад ростлаб турди. Шукрки, орадан ўтган тўрт йилнинг ўзи кўп нарсаларни жой-жойига қўйди. Сиёсий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳаёт жараёнларига равшанлик киритди. Аниқроқ қилиб айтганда, Туркманистон тараққиёт сари ўз йўлини танлади. Мамлакат Президенти Сапармурод Ниёзов — Туркманбоши раҳбарлигида «ўн йил фаровонлик» эълон қилинди, республика иқтисодий равнақини таъминлашга қаратилган уч йиллик Мақсаднома (режалар дастури) ишлаб чиқилди. Янги демократик туркман давлатини қуриш ва мустаҳкамлаш, чет эл сармояларини олиб кириш, қўшма корхоналар бунёд этиш, молиявий танглик ва халқ турмушининг ночорлашувига йўл қўймаслик учун қатор чоралар кўрилди. Маҳкама, корхона ва муассасалар учун «очиқ эшиклар» иқтисодий-маърифий сиёсати ижобий натижалар бера бошлади.

Сапармурод Туркманбоши Халқ Маслаҳатининг 1994 йил 26 декабрдаги йиғилишида чет эллар билан ҳамкорликда қилинаётган ишлар ҳақида гапириб шундай деган эди: «Юртимизда саноат, сотсиал, маданий ва коммунал йўналишдаги 248 объект тикланмоқда. Қурилиш майдонларида туркман корхоналари билан бирга, дунёнинг 26 мамлакатидан 71 фирма иштирок қилмоқда. Келишилган шартномалар бўйича сармоя ажратишнинг умумий миқдори 3 миллиард АҚШ долларига тенгдир». Ўтган бир йил мобайнида бу рақамлар янада салмоқлироқ бўлиб қолганига шубҳа йўқ. Зеро, ҳаётнинг ўзи фаолликни, ҳамдам-ҳамнафасликни, биргалашиб ҳаракат қилишни тақозо этаётир. Олдинда эса жуда катта, кенг миқёсли ишлар ўз навбатини кутиб турибди. Чунончи, Туркманистон ўз табиий гази ҳамда нефтини Эрон, Туркия орқали Европага олиб чиқадиган йўл солиш тадорикига киришди. Тожикистондан (Норак) келтириладиган электр қувват билан саноатнинг янги тармоқларини бунёд этиш ва ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Туркманистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар юртбошилар учрашувидан сўнг янада мустаҳкамланиб, иқтисодий, маданий алоқаларимизда янги-янги ютуқлар очилишига ҳам шубҳа йўқ. Зеро, ўзбек ва туркман халқлари минг йиллар мобайнида ёнма-ён, елкама-елка яшаб келганлиги, маърака-тўйи бир, фикр-ўйи бир, илдизи бир халқлар эканлиги дунёга кундай аён. Навоий ва Озодий орзулари, Махтумқули ва Машраб туғёнлари, Ҳамза ва Дурди Қиличнинг оловли йиллардаги ҳамкор-ҳамнафаслиги, Қайғисиз Отабоев ва Файзулла Хўжаев, Айтеков ва Акмал Икромовнинг миллий давлатчилик тузиш йўлидаги совурилган умидлари, Берди Кербобоев ва Ойбек, Ғафур Ғулом ва Керим Қурбоннафасовларнинг дўстликни куйлаган оташин мисралари ҳар икки халқ ижодкорларини яқинликка чорлайди, зиёлилар елкасига шарафли масъулият юклайди.

«Қардошсизда қувват йўқдир», — деб каромат қилади Махтумқули. Қардош туркман адабиёти намуналаридан ўзбек тилига таржима қилиб туркман маданияти ва санъатини Ўзбекистонда тарғиб этиб юрган бир камтарин таржимон ижодкор сифатида мен икки мустақил давлат раҳбарининг бугун ўтадиган муҳим учрашувидан бениҳоя хурсандман. Тўғрисини айтганда, Бердиназар халифанинг ҳикматли нутқлари, Тиркиш Жумагелдининг янги тарихий романлари, Отамурод Отабойнинг эрка сархуш мисралари, Қақабойнинг, Баҳоройнинг, Хўжанафас, Отажон Тоғон, Гўзалойларнинг янги асарлари, Оллош бувам гижжагининг мунгли садоларини, Жемалқизнинг кўнгилни кўкларга етаклаб кетувчи дилрабо қўшиқларини соғиндим, жуда соғиндим. Раҳбарларимиз шундай дийдорлашиб турсалар, халқларимизнинг ҳам кўнгли ўсади, бири бирини яхшироқ англайди, бири бирига тобора яқинлашиб келади. Иншоаллоҳ, умид—инсондан, ижобат — Раҳмондандир.

**Музаффар АҲМАД**



**Марғилон «Ёдгорлик» хусусий жамоа корхонасининг илғор ишчиси Маҳфуза Мадалиева**

**Ш.Олимов сурати**

## «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИ РЕДАКЦИЯСИГА ТЕЛЕГРАММА!

*Андижон вилояти Бўз туманидаги Саида Зуннунова номидаги билим юрти ўқитувчи ва ўқувчиларининг 50 нафари «Миллий тикланиш»га обуна бўлдилар. Газетангиз бизга ёқиб қолди.*

*Ижодий муваффақиятлар тилаймиз!*

**Билим юрти директори**
**Тўлан НИЗОМ**

*Партия ҳаёти*

## ФАРҒОНАДА ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ

Яқинда Фарғона вилоятида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг Фарғона шаҳар ташкилотининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда Фарғона шаҳар Соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Шавкат Ҳусанбоев, шаҳар партия ташкилотининг раиси, Ёшлар ва ўсмирлар ижодий марказининг директори Мирза Аҳмадалиев, раис ўринбосари, Ойбек номидаги маҳалла фуқаролар қўмитаси оқсоқоли Раҳматжон Ҳакимов тафтиш ҳайъати раиси этиб сайландилар. Қурултойда Фарғона вилояти партия ташкилотининг Кенгаш раиси Комилжон Мирзаев, Фарғона шаҳар ҳокимининг биринчи муовини Муҳаммаджон Хўжаев ва ҳоким муовини А. Қодиров иштирок этишди.

Фарғона вилояти партия ташкилотининг Кенгаш раиси Комилжон Мирзаев партия олдида турган вазифалар ҳақида маъруза қилди.

ФОТИМА ИКРОМОВА

*Сафга тур, қўшиғимиз!*

## ҚЎШИҚ ШЕЪРДАН БОШЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон ватаним маним» мавзусида қўшиқлар кўрик-танлови ҳақидаги қарорни ўқиб, қарорда кўрсатилган талабларга жавоб берадиган шеърлар борми? — деб мулоҳаза юритдим.

Маълумки, ҳар қандай қўшиқ шеърдан бошланади, яхши шеър мени танла, музикага яхши тушаман деб шайланиб туради.

Ана шундай шеърлардан бири Эркин Воҳидовнинг («Шарқ юлдузи» журналининг 1995 йил 1-2 сентябрларида муштарийларга тақдим қилинган) «Масканим Фарғона» шеъридир. Шеър муаллифнинг машҳур «Ўзбегим» қасидаси билан ҳамоҳанг, уни ўқиганда водийнинг воқеаларга бой, мустақиллик учун кураш тарихи кўз ўнгингиздан ўтади; иккинчидан, Фарғона табиатининг жозибаси «Қўҳна Туркистон садаф бўлса, у ер дурдонадир; Шеърият таърифида уйқудаги жононадир» сатрларида ўз ифодасини топган. Учинчидан, Фарғона кишиларнинг менат соҳасидаги бетакрор булоқ каби қайнаб турадиган жасорати, ғайрати, ҳамкорлиги қуйидаги сартларда ифодаланган:

***Чин парилар маскани, Зуҳраю Тоҳирлар ери,***
***Олиму шоир, ҳунарманд, фазли нодирлар ери.***
***Кўп ажиб мўъжиза бунёдига қодирлар ери***
***Кифтда тўн, белда қийиқ, марду баҳодирлар ери...***

Бу мисраларни ўқир эканмиз, 1940 йилда Жанубий Фарғона канали қурилишида иштирок этганим хотирамда намоён бўлди, канал қурилишда чарчашни билмасдан ер қазиган меҳнаткашлар кўз ўнгимда жонланди.

Шеърни ўқиганда ҳали унга куй басталанмаган бўлса ҳам, мусиқа садолари қулоғингизда эшитилади. Мен шеър асосида фақат қўшиқ эмас, балки хор учун ҳам мусиқа яратиш керак, деб бастакорларга таклиф қилган бўлардим. Умуман, яратилаётган қўшиқлар матнини муштарийлар кенг муҳокама қилсалар, фойдали фикр алмашув бўлар эди деган фикрдаман.

**Ҳикмат СОБИРОВ,**
**профессор**

*Кўҳна* **ҲИКМАТЛАР**

## Конфуций айтган экан...

Конфуций Чин ўғли. Дунё донишмандлигининг булоғи. У мелоддан илгариги 551 — 479 йилларда яшаган. Чиннинг мумтоз насрий сўзи Конфуцийдан бошланади. У Шарқ фалсафасининг энг қадим бобокалони. Устозларнинг устози. Дарвоқе, устоз ва шогирд деган тушунчалар ҳам оламда Конфуцийдан бошланади дейилса, хато бўлмайди. Гарчи унинг муқим шогирдлари сони етмиш иккита эса-да, лекин ҳар дамда унинг ортидан эргашиб юрадиганларнинг сони уч мингдан ортиқ бўлган. Улар Конфуций айтган сўзларни қадам-бақадам ёзиб олишган ва тарқатишган. Конфуций ўз ҳикматларида давлат, адаб ва ахлоқ — инсон муносабатларига тўхталади. Унинг ҳикматларини адаб ва муомалалар жумулжами деб айтиш мумкин. Конфуцийнинг ҳикматлари бундан икки ярим минг йил илгари «Лунюй» — «Суҳбатлар ва муҳокамалар» деб номланган ажойиб бир китобга жамланган. «Лунюй» бутун чин заминни ва қолаверса, инсониятни тарбия қилган китобдир.

У инсон онги ва қалбидан худди Сомон йўли сингари ўтган ва ўзгармаган, ўз қимматини йўқотмаган. Бугун маънавий-маърифий давлат қураётганда, Конфуций каби донишмандлар бизга ҳам мададга келади ва қалбларимизни содда, лекин ўлмас ҳикматларининг нури билан ёритади.

Шуни назарда тутиб, «МТ» Конфуций ҳикматларидан бир шингилдан ёритиб боришни мақсадга мувофиқ деб топди.



### БИРИНЧИ ФАСЛ

1. Устоз айтарди:

— Ўқиш ва ўқиганларингни доим такрорлаб туриш — ахир бундан ҳам гўзалроқ нарса борми! Агар олисдан биродаринг келса — бундан ортиқ шодлик борми! Уни тушунмайдилар, у эса хафа бўлмайди — ахир у ҳақиқий эр йигит эмасми!

3. Устоз айтарди:

— Сўзамол бўлганлар ўзлари кўҳлик кўринганлари билан камдан кам пайтларда одамий бўладилар.

4. Сзен-сзи айтарди:

— Мен ҳар куни бир неча маротаба ўзимни ўзим тергайман — маслаҳатларим етарлича самимийкин? Дўстларимга етарлича садоқатлиманми? Устоз васиятларини тўла адо этяпманми?

14. Устоз айтарди:

— Ҳақиқий эр таомдан тўқлик қидирмайди, уйдан қулайлик изламайди. У ишларга ғайрат билан уринади ва оз сўзлайди. Яхши одамлар билан юрганда, уларга қараб ибрат олади — мана шундай одамларни таълимга рағбатли экан деб айтса арзийди!

16. Устоз айтарди:

— Одамлар мени тушунмасалар хафа бўлмайман, — лекин мен одамларни тушунмасам, хафа бўламан.

## ҚАДДИНГНИ РОСТЛАЙВЕР, ОНА ТИЛИМ!

Ҳар бир халқнинг тили ўзи каби жонлидир. У ҳам ўсади, ривожланади. Жонли тил шу сабабли ҳам ўзини ўзи янгилаб боради. Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилингандан бери ўтган давр, она тилимиз ҳаётида ўзига хос тараққиёт босқичи бўлди. Кенг халқ оммаси ўзбек тилининг унутила бошлаган сўзларини — атамаларини қайтадан ёзма ва оғзаки нутқда қўллай бошлади. Байналмилал атамаларнинг ўзбекча муқобилини излаш умумхалқ ҳаракатига айланиб кетди. Натижада чуқур тарихий заминга эга бўлган жуда кўплаб ўзбекча атамалар қайта ҳаётга келди. Шу билан бирга тилимизда ўзбек тили қонуниятларига мос келмовчи ясама сўзлар ҳам кўпайиб кетдики, бу ҳолат илм аҳлини ташвишлантирмоқда.

Куни кеча Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида бўлиб ўтган илмий анжуман ана шу долзарб масалага бағишланди. Конференцияни институт ректори, Олий Мажлис депутати Н. Иброҳимов кириш сўзи билан очди. Таниқли олимлардан академик Алибек Рустамов, ЎзРФА мухбир-аъзоси Ғани Абдураҳмонов, таниқли ҳинд олими Муҳаммад Амин ва бошқалар ўзбек атамашунослигининг долзарб масалаларига оид маърузалар қилдилар. Анжуманда Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари, ЎзРФА ва республика олий ўқув юртларининг тилшунос олимлари, аспирантлар, тадқиқотчилар қатнашдилар. Тингланган маърузалар асосида билдирилган фикрларни Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик Қўмитаси эътиборига тақдим этишга қарор қилинди.

**М.ПИРМАТОВА**

## ИККИ АЗАМАТ ЧИНОР

10 январ Ойбек туғилган кун сифатида ўзбек халқининг тарихига киради. Куни кеча ўз ниҳоясини топган 1995 йилда таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан Ойбек номи тилдан тушмади. Бугун қарийб бир йил давом этган ойбекхонликка якун ясар эканмиз, улуғ адибнинг қардош халқлар адабиёти намояндалари билан дўстона муносабатларга назар ташлаш истаги туғилди.

Ўзбек адабиётининг қардош адабиётлар билан ўзаро алоқалари тўғрисида баҳс борганда, кўпинча Ойбек билан Мухтор Авезов номи ёнма-ён тилга олинади. Бунинг аён сабаблари бор.

Ойбек Ўрта Осиё Давлат университетининг ижтимоий фанлар факултетида таҳсил кўрар экан, 1927 йилда ўқишни Ленинграддаги Халқ хўжалиги институтига кўчирган. У Нева бўйларидаги шаҳарда тинимсиз мутолаа билан шуғулланибгина қолмай, турли-туман олий ўқув юртларида таҳсил кўраётган ўрта осиёлик талабалар билан танишиб, улар билан ҳам дўстона мулоқотда бўлган. 1928 йили эса, у шу ерда қозоқ халқининг бўлажак буюк адиби Мухтор Авезов билан танишиб, у билан бир умрга дўст бўлиб қолган. М. Авезов шу вақтда Ленинград Давлат университетининг сўнгги курсида таҳсил кўраётган, аммо 1917 йилда ёзган «Енлек-кебек» пиесаси билан қозоқ драматургиясига асос солган ёзувчи эди.

Болалик кезларида отаси билан қозоқ овулларига бориб, бу халқнинг табиатини севиб қолган Ойбек Мухтор Авезов сиймосида ўз дилига яқин инсонни кашф этади ва у билан узоқ суҳбатларда бўлади. Икки ёш ижодкор бир-бирининг ижоди, санъат ва адабиёт ҳақидаги фикр-мулоҳалзалари билан танишадилар. Агар Ойбек Ленинградда ёзилган шеърларини илк бор Авезовга ўқиб берган бўлса, у ўзининг ҳали Олма-отадаги дўстларига ҳам етиб бормаган «Караш-Караш» қиссаси ва талай ҳикояларини ўзбек биродарига тақдим этади. Бу икки ёзувчи ўртасидаги дўстлик шу қадар теран тус оладики, ҳатто Ойбекнинг Навоий ҳақидаги сўзларидан таъсирланган Авезовда Абай ҳаёти ва ижодини синчковлик билан ўрганиш фикри, Ойбекда эса ўзбек ва қозоқ халқлари ҳаётидан олинган асар ёзиш нияти уйғонади. Орадан бир мунча вақт ўтгач, у ана шу орзусига эришиб «Бахтигул ва Соғиндиқ» достонини яратади.

Фалакнинг гардиши билан Ленинград университетини тугатган М. Авезов Тошкентга келиб, Ўрта Осиё Давлат университетининг Шарқ факултетида аспирантурани ўтайди. Шимолнинг нам ва совуқ ҳавосида оғир хасталикка чалинган Ойбек эса таҳсилни яна Тошкентга кўчиришга мажбур бўлади. Шу тарзда дўстлар яна ўзбек пойтахтида дийдор кўришадилар. М. Авезовнинг шу йилларда «Ўткан кунлар» романига айрича меҳр қўйишига маълум даражада Ойбек билан суҳбатлар сабаб бўлади.

**Давоми учинчи бетда**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси Андижон вилоятидаги 51-Хартум сайлов округида 1996 йил 7 январ куни бўшаб қолган ўринга Олий Мажлис депутатини сайлаш бўйича ўтказилган сайловнинг натижаларини кўриб чиқди.

Овоз беришда округ бўйича рўйхатга киритилган 43262 сайловчидан 43073 таси ёки 99,6 фоизи иштирок этди. Шулардан 42679 киши ёки овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 99,1 фоизи Иброҳим Усмонович Ғафуров номзодини ёқлаб овоз берди.

Овоз бериш натижалари тўғрисида округ сайлов комиссияси тақдим этган баённи кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Республика Қонунининг 11, 46-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси 1937 йилда туғилган, Миллий тикланиш демократик партияси раиси ўринбосари, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири Иброҳим Усмонович Ғафуровни 51-Хартум сайлов округидан Олий Мажлис депутати этиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

*Фалсафий гурунг*

# МИЛЛИЙЙЛИКНИНГ МОҲИЯТИ ҲАҚИДА

Жамият тарихининг энг қора ва жоҳил даврлари инсон тафаккурини чеклаш, бўғиш ва жиловлаш баробарида кечган. Тафаккурни шаклланишдан, камолотдан тўхтатиб, маҳдуд қилиш тоталитар тузумнинг асосий вазифасига киради. Бундай манфур ва зўравонлик сиёсати натижасида назарий тафаккур йўққа чиқди. Мамлакат бўйлаб қироатхонлик, ақидапарастлик кенг ёйилди. Кўплаб зиёталаб соҳалар эътибордан четда қолдирилдигина эмас, балки жамият манфаатларига ёт йўналишлар деб эълон қилинди.

Шулардан бири миллийлик масаласи эди. Миллийликни ўрганиш, унинг асл моҳияти ва жамият тараққиётидаги ижобий ролини кўрсатиш ҳукмрон мафкуранинг мақсад ва режаларига зид эди. Миллийликка бундай ёндашиш қандай пайдо бўлди? Унинг илдизи қаерда?

Миллийликка ёндошишнинг тубдан ўзгариши ҳукмрон мафкура ва тузум йўлбошчилари томонидан тузилган жаҳон инқилобий жараёнини тезлатиш режаси билан боғлиқ эди. Сотсиалистик инқилоб, аввал бошида мўлжаллангандек, биратўласи бутун дунё бўйлаб ғалаба қозона олмади. У биргина Россияда тантана қилди. Шундай экан, янги вазиятни инобатга олган ҳолда сотсиалистик инқилоб ғалаба қозонган мамлакатни жаҳон империализмини йиқита оладиган кучга айлантириш керак эди. Бунинг учун тезда саноат, нақлиёт ва алоқани тўла равишда давлат қўлига олиш, зудлик билан қишлоқдаги миллионлаб якка хўжаликларни мажбуран жамоалаштириш, ўзига тўқларни синф сифатида йўқ қилиш, миллатлар ва элатларни болшевикча суръатлар билан ягона совет халқига айлантириш керак эди. Миллийлик ғоялари эса, бу режаларга зид эди.

Мустақиллик тушунчаси жамият томонидан кенг ва чуқур таҳлил ва талқин қилингани сари, унинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган «миллийлик» тушунчаси ҳам ўзининг асл маъносини аниқлаб олмоқда. Ўтмишдаги мафкурага «миллийлик» тушунчаси хуш келмас эди. Миллийлик тўғрисида сўзлаганда ҳамма вақт эҳтиёт бўлиш, бир неча бор байналмилаллик томонга таъзим қилиш шарт эди. Шунинг учун байналмилаллик қарши қўйилар, кимки ўз миллати ҳақида камроқ гапириб, рус халқи ва бошқа халқлар тўғрисида кўпроқ сўзласа, у яхши эди. Миллийлик, миллатчилик ҳар минутда кўкариб ўсиб чиқиши мумкин бўлган асосий манба ҳисобланарди. Ана шу сабабга кўра миллийлик ҳақида мумкин қадар камроқ сўзлаш маъқул ҳисобланарди.

Миллийликнинг тўғри талқинини бериш учун, энг аввало байналмилалликнинг ўзи нима эканлигини аниқлаб олмоқ зарур. Гап шундаки, байналмилаллик миллийликнинг энг яхши, энг етук кўрсаткичлари, қирралари бирлиги ва умумийлашувидир. Яъни, байналмилаллик мустақил, ўз илдизларига эга тушунча бўлмай, унинг манбалари, негизлари миллийликдадир. Миллийлик қанчалик шаклланса, яшнаса, байналмилалликнинг замини шунчалик мустаҳкам бўлади. Байналмилалчи бўламан, десангиз, аввало миллий бўлинг. Нега деганда, мутлақо байналмилалчи бўламан деган одам, космополит, яъни манқурт бўлиб қолади. Ҳолбуки, ўтмишда байналмилалчи, бу — умум манфаатни, бутун совет халқи, Совет Иттифоқи, жаҳон сотсиализми манфаатларини ўз миллати, тор маънодаги ўз халқи манфаатларидан юқори қўядиган инсондир, дейиларди. Шунинг натижасида юртимизнинг пахтаси, олтини, қоракўл териси, табиий ипаги, рангли металлари, миллион тонналаб меваси умумсовет ўпқонига домсиз-дараксиз кириб кетаверарди. Жаҳон сотсиализми манфаатларини СССР манфаатларидан юқори қўйиш эса шунга олиб келдики, совет миллиардлари, минглаб Калашников автоматлари, танклар, тезотар зенит тўплар, ўқ-дори, ҳарбий энгил-бош ва бошқалар жаҳон инқилобий ҳаракатини янги поғонага хизмат қилиши учун бошқа давлат, чет эл ташкилотларига, биринчи навбатда коммунистик давлатларга жўнатилди. Ана шу мақсадда Марказ топшириғи билан хорижга жўнатилган Ватанимиз йигит-қизларининг гўрлари ва суякларини турли хорижий мамлакатлардан топиш мумкин.

Мамлакатимизни илғор давлатга айлантирмоқ учун ана шундай ҳотамтойликдан воз кечишимиз, биринчи навбатда ўз юртимиз ва ўз халқимиз фаровонлигини кўзламоғимиз зарур.

Бу масаланинг яна бир нозик томони бор: байналмилалликнинг юқорида айтилгандек талқин этилиши натижасида, унинг зиёлилар онгидаги акс садоси сифатида миллийликни тор тушуниш ва тушунтириш тамойили пайдо бўлди. Миллийлик гўёки фақат ўз миллати, тили, маданияти, урф-одатлари доирасидан чиқмай фикр юритиш ва фаолият кўрсатиш деб талқин этила бошлади. Аслида эса миллийлик, яъни ўз миллати, унинг маданияти, тили, урф-одатлари, ўзига хослиги, ўзлиги ҳақида жонбозлик қилиш байналмилалликчасига иш олиб боришдан ташқарида мумкин эмас. Нима учун? Чунки, ўз миллати учун жон куйдириш, уни илғор миллатга айлантиришга ўз улушини қўшиш демакдир. Уни саноатда, қишлоқ хўжалигида, нақлиётда, алоқада, санъатда, адабиётда, олий ва ўрта махсус ўрта маълумот беришда замоннинг энг юксак кўрсаткичлари даражасига кўтаришдир. Бундай олижаноб ишни илғор мамлакатлар ютуқларини, фан, техника, адабиёт ва санъатдаги диққатга сазовор томонларини ўзлаштирмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Шундай экан, юртимизда ташкил топаётган ҳар бир янги ижтимоий ташкилот ўз дастурига ана шу фаолиятларни киритиши ва унга амал қилиши керак. Бунингсиз Миллат, Халқ, Мустақиллик, гуллаб-яшнаш ҳақида фикр юритиш қуруқ сафсатабозлик бўлиб қолади.

Масаланинг яна бир қирраси бор. У ҳам бўлса ҳозирги мавжуд шароитда ўтмишдаги Иттифоқдан қолган ўртача ривожланаётган мамлакатлар ўрамида яшашимиз. Ўзимиз ҳам улардан кам фарқ қиламиз. Яқин йиллар ичида гирдобдан чиқиб кетишимиз зарурат. Шундай экан, ҳозирги куннинг вазифаси — ўша давлатлар билан, уларнинг бизда яшаётган ва яшаб келган авлод-аждодлари билан иноқлик, аҳиллик асосида иш олиб боришдир.

Миллийлик — инсоният ўз тараққиётида эришган энг этук омиллардан бири. Инсоният ўз тараққиёти давомида умумжаҳон қадриятлари хазинасини яратган экан, бу хазинанинг 3/4 қисми турли миллатлар томонидан юзага келтирилган, яъни XV-XX асрларда Данте, Галилей, да Винчи, Шекспир, Балзак, Бетховен ва бошқалар пайдо бўлдилар. Миллийлик байналмилалликка манба, таянч бўлиб айни вақтда ундан манба сифатида фойдаланади. У орқали бутун дунё маданияти билан боғланади, ўзининг умуминсониятнинг таркибий бир қисми эканини кўради, умумжаҳон моддий ва маънавий қадриятлар хазинасига улушини қўшади. Хулоса қилиб айтганда, миллийликсиз байналмилаллик бўлиши мумкин эмас ва аксинча, байналмилалликсиз миллийлик ўз тараққиёт манбаидан маҳрум бўлади. Ҳар бир зиёли ва ижодий фаолият вакили шу ҳақиқатни чуқур ўзлаштириб олиши лозим. Шу ҳақиқатдан ташқарида ўзбек романи, балети, операси, ҳикоянавислиги, журналистикаси, кундалик матбуоти, рассомчилиги, ҳайкалтарошлиги, фани, ҳозирги замон саноати йўқ. Шу ҳақиқатдан ташқарида жаҳон умуминсоний қадриятлар хазинаси Форобий, Ибн Сино, Беруний, ал-Хоразмий, Улуғбек, Навоий, Зебунисо, Нодирабегим ва бошқаларнинг нодир асарлари билан бойимаган бўлур эди.

Ҳар бир ижтимоий-сиёсий ва ижодий ташкилотнинг дастурида, амалий фаолиятида ва иш қоидаларида юқоридаги умумназарий хулоса ва ҳақиқатлар уларга тўғри йўналиш берадиган йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилиши энг имтиёзли ҳолат бўлади.

Юқорида биз масаланинг умумназарий қирраларини ёритдик. Аммо унинг амалий томонлари ҳам бор. Қандай қилиб назариядан амалиётга ўтмоқ зарур ва мумкин? Миллийликка самарали хизмат қилмоқ учун байналмилалликни яхши билмоқ, унга ҳар томонлама суянмоқ зарур. Бунинг учун эса умуминсоний моддий ва маънавий бойликлар хазинасига йўл очувчи омиллардан бири инглиз тилини ўзлаштирмоқ ҳозирги даврдаги энг муҳим ва умумдавлат вазифамизга айланди десак муболаға бўлмас. Чет тиллардан бири инглиз тилини билмаслик бизнинг имкониятларимизни чеклайди, миллатимиз ва давлатимизни оламга таништиришни, миллий маънавият ва салоҳиятимизни жаҳон бўйлаб тарғиб ва ташвиқ этишни ва охир оқибат миллий тикланишимизни сустлаштиради.

Биз узоқ йиллар давомида чет тилларни, шу жумладан инглиз тилини илм олиш учун эмас, диплом олиш учун ўргандик. Бу давр энди тугади. Мустақиллик чет тиллар масаласига муносабатни тубдан ўзгартишни талаб қилади. Биз чет тилларни чуқур ўзлаштирмас эканмиз, ўзимизни ўзимиз мақтаб, бир-биримизни маъқуллаб ётаверамиз. Лекин мамлакатимизни, давлатимизни, миллатимизни оламга билдириш, бой тарихимизни, ўтмишимизни, ҳозирги имкониятларимизни жаҳон аҳлига намойиш қилишимиз ва шу йўсинда ташқи иқтисодий ва сиёсий, маданий алоқаларимизни кенгайтириш, мустаҳкамлаш, илғор давлатлар даражасига кўтариш учун биз чет тиллар билан жиддий шуғулланмоғимиз зарурдир.

Ўзбекистонни илғор мамлакатга айлантирамиз десак аввало, илғор мамлакатлардан ибрат олмоқ ўринлидир. Уларнинг илғор тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, олимлар, сиёсий арбоблар, тадбиркорлар одатда 3-4 та жаҳон (инглиз, франтсуз, немис, испан) тилларида сўзлаша оладилар ва одатда инглиз тилини эркин биладилар. Биз эса, тоталитар тузум тазйиқида фақат миллатлараро тилнигина билиб, илғор давлатларга борганда, «соқовлар гуруҳи»ни ташкил қилиб, илғор мамлакатлар вакилларидан ажралиб турардик.

Биз инсониятнинг илғор қисмидан жой олмоқчимиз. Бунинг учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Фақат меҳнат ва изчиллик керак. Шу жумладан, чет тилларини ўрганишда ҳам. Бу борада анчагина ишлар қилинмоқда. Ҳатто, баъзи болалар боғчаларида ҳам инглиз тили ўқитилмоқда. Жаҳон тиллари университети яратилди, жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети очилди ва ҳ.к. Лекин булар хамир учидан патир. Чет тилини билиш — миллатимизни кўтаришнинг энг самарали воситаларидан биридир. Чет тилни ўрганиш ҳеч вақт кеч эмас: уч ёшда ҳам, етмиш уч ёшда ҳам...

Енг шимариб ишга киришайлик.

**Кўчқор ХОНАЗАРОВ,**
**профессор**

---

Сулаймон АЗИМОВ:

# ОЛТИН ОЛМАЛАР КУМУШ КОСАЛАРДА УЗАТИЛСА

## (сўнгги суҳбат)

***Сулаймон Азимов оламдан ўтди...***

*20—30-йиллар зиёлиларининг маслакдоши, суҳбатдоши, ўша олиму фузалолар, файласуфлар, қалам соҳиблари даражасида фикр юритадиган заковат эгасининг юраги уришдан тўхтади. Фитрат ва Чўлпон, Боту ва Усмон Носир, Абдулла Қодирий ва Мунаввар Қори, Ғози Юнус ва Ғулом Зафарийларни танир, билар эди.*

*Билимдон, адолатпарвар жамоат арбоби, ҳурриятпарвар инсон Сулаймон Азимов ҳам қамоқ азобини ўн йилдан ортиқ кўрди. Мўъжиза юз бериб, совуқ Сибирдан қуёшли ўлкасига қайтиб келганида эса, ўша дўстларидан ажралиб қолганини билди. Дўстлари ҳуррият шабадаси эса бошлаган Ўзбекистонни кўрмади-да!.. Олим ҳадеб минбарларга чиқаверишга ошиқавермас, рисола-ю мақоласи, маърузаю мутолааси, тенги йўқ иродаси ва иқтидорли бир интилиши билан машҳур эди илм-фан ва бадиий ижод аҳли орасида.*

*У кишининг суҳбатларида бўлган бахтиёрларданман. Хонадонларидан қандайдир маънавий юк билан, ижод этиш, мушоҳада қилиш, ўқимоқ ва уқмоқ истагида қайтганман ҳар гал. Шундай суҳбатлардан бирини — у сўнгги эканлигини қайдан билибман, — қоғозга туширган эдим...*

**— Сулаймон ака, сиз 20-йиллардан келаётган кишисиз. Ўша йиллардаги сиёсий аҳволни ҳам, миллий зиёлиларни ҳам яхши биласиз...**

**С. Азимов:** — Ёшим 86 да. Шошиламан. Ўзим билган нарсаларни кўпчиликнинг қулоғига етказишга шошиламан. 20-йилларнинг ажойиб кишилари билан суҳбатлашиб, уларни тинглаб ақлимга ақл қўшилиб, тўғрироғи улардан ақл, билим ўрганиб ўша дамларни эсласам, ҳаяжонланаман. Қандай гўзал кишиларимиз бўлган! Уларни океанга ўхшатаман.Сўз билан таърифлаб бўлмайдиган бир куч, деб биламан. Уларниннг ҳеч бирини эсимдан чиқармайман.

Уларнинг тақдири қандай бўлди?

Уларни йўқ қилдилар. Халқимизни етакчи кучларидан, мураббийларидан маҳрум этдилар. Натижада жамиятда чуқурлик, жарлик пайдо бўлди. Буни мен тарихимиздаги, маданиятимиз тарихидаги фожиа деб биламан. Фожианинг яна бир томони шуки, ўша — биз тилга олаётган даврга, узоқ ўтмишга ҳам тупиринглар деб таълим беришган. Ёшлар онги заҳарлана борган. Чўлпон бадиий ижодда намуна кўрсатган. Асарларини ўқиб, ўрганиб, сўнгра у билан узоқ суҳбатлашиб мақолалар ёзардим... Фитратнинг фаолиятидан ҳайратга келардим. Унинг якка ўзи халқимизнинг маданиятини кўтаришда жуда катта иш қилган. Адабиёт тарихи ва мерос масалалари, мусиқа тарихи ва назарияси ҳақида асарлар ёзган олимнинг бадиий ижоддаги изланиши диққатингизни дарров ўзига тортади. Маърузасини тинглаб, завқ олардинг.

**— Мулоҳазаларингизни тинглаб, икки масала юзасидан фикр айтмоқчи бўлдим. Биринчи масала — сиз тилга олган шахслар ва уларнинг фикрдош ҳамроҳлари қатағон қилиниши ҳамда тезда қатл қилинишига сабаб шуки, улар биринчилар қаторида тоталитар тузум ўзбек элига бахт келтирмаслигини сезганлар. Бинобарин, бу фикр уларнинг ижодларида, хатти-ҳаракатларида, юриш-туришларида кўзга ташланган. Марказ бундан хабар топиб, уларни дарҳол йўқ қилиш тараддудига тушган...**

**Иккинчи масала мерос билан боғлиқ. Ҳозир 20-30-йилларда ҳукм сурган ижтимоий, ижодий муҳит қайта тадқиқ қилинмоқда. Шундай экан, ҳозир кимлардан нималарни ўрганиш кераклигини билишимиз, тарихдан сабоқ олмоғимиз керак. Ўша ўзбек зиёлиларининг қайси фазилатлари ҳозирги кунда диққатимиз марказида бўлишини хоҳлар эдингиз?**

— Ҳа, қатл этилганлар ҳам, омон қолганлар ҳам Октябр тўнтаришини яхши кутиб олган эди. Лекин озгина фурсат ўтиши билан улар ҳибсга олинди, отилди. Сабаби нимада? Сабаб шундаки, кўпчилик алданган эди. Чунончи, инқилоб деклоратсиясида совет ҳукумати қурилиши билан мазкур империяда яшаган барча миллатларга тенг ҳуқуқ берилиши, улар ўзларини ўзлари идора қилишлари қайд қилинган эди. Бунга барча ишонган. Бундай шиор кўпчиликни руҳлантириб юборди. Маънавий ўсиш ҳам сезила бошлади. Бу борада фаоллик кўрсатганлар ҳам бўлди... Бу эса биз тилга олган деклоратсияни тузувчи «режиссёрлар»ни хавотирга сола бошлади... Орадан 10 йил ўтмасдан халқларга берилган эркинлик, озодликка чек қўйилди. Бу ҳолни халқнинг илғор вакиллари дарҳол англадилар. Буни қарангки, Маҳмудхўжа Беҳбудий инқилобдан илгари ҳам Русиянинг ваъдаларига ишониб бўлмаслигини айтган эди.

1926 йилда бўлган бир гап: Маориф халқ комиссари Раҳим Иноғомов «нима учун ёшларимизни фақат Москвага юборамиз? Нима учун улар фақат Москвада ўқиши керак? Нима сабабдан уларни чет элга юбормаймиз? Хорижий мамлакатлардан кўпроқ маълумот олиб келади-ку! Буни ҳеч кимга зиёни йўқ-ку!» — деган ва шу йўлда қадам қўя бошлаган. Буни Москва дарҳол тушунган, бундай таклиф нималарга олиб келиши мумкинлигини сезган. Пировардида ҳалиги Раҳим Иноғомов йўқолиб кетди. Ишонасизми, йўқ бўлди-қолди. 26- йилдан бери йўқ. Ҳеч ким билмайди нима бўлганини.

Ундан кейин Маориф комиссари этиб Мўминхўжа исмли жуда ўқимишли, истараси иссиқ киши тайинланган эди. У домлаларимиз Назир Иноятий, Эшон Бобоқори Исломов, Абдужаббор Сиддиқов билан суҳбат қурарди. Мен юқори синфда бўлганим учун суҳбатларини эшитган вақтларим бўлган. Гап орасида Мўминхўжа «араб маданияти бизга нима берди, биз-чи?» — деб савол берди-ю, ўзи қизишиб жавоб ҳам топди. «Арақ ичиш бизга қаердан келди-ю, бу балога энди нимани қарши қўйиб бўлади?» — деб куюниб гапирди. Бундай эркин фикр юритадиган шахсга ўша жамиятда ўрин топилмади. У ҳам йўқ бўлди- қолди. Ҳозиргача ҳеч ким билмайди, нима бўлганини. Мен ҳам ўша рўйхатда бор эканман. Аниқроғи, бедарак йўқолганлар рўйхатига киритиб қўйилган эканман. Буни мен 60-йилларда аниқладим.

41 нчи йили қамоққа олдилар. Кейин Сибирда, Тайгада тўрт йил юрдим. Шунча вақт ўтгану, қариндошларим, ёру-биродарларим мен ҳақимда бирорта маълумот ололмаганлар. Устозларим ҳақида ҳам бирор жойда маълумот қолдирмаганлар. Йўқ қилиб ташланган. Вассалом. Ўшаларга ачинаман. Узоқни кўра билганлари учун жазоланганлар-да. Чўлпоннинг мана бу мисраларини ёд олганмиз.

**Эй, тоғлари кўкларга**
**салом берган зўр ўлка,**
**Нима учун танларингда**
**бўриларни қорни тўқ?**

Ўз танларида бўриларни тўйғизган халқ ерининг таги ҳам бойлик, усти ҳам бойлик. Ўзи эса ҳамиша меҳнатда. У мустамлака шароитида хом ашё етказиб бераверган. Марказ уни қандай сарф қилса, сарф қилаверган. Меҳнаткаш халқ очликдан ўлмаслиги учун нимадир бериб турилган. Шу ҳолда у йиллар давомида бир кафангадо ҳолига келиб қолган. Бу мустамлакачилик сиёсатининг оқибати эди. Шу ҳолни эҳтироси ҳамиша қайнаб турадиган, мисралари жўш уриб турадиган Боту, ёқимтой ўйчан, кучли бўлган Чўлпон ҳам дарҳол англаган. Телескоп узоқлардан туриб юлдузларни ўрганиб олганидек, у одамларни, улар яшаётган жамиятни ва истиқболни шунчалик ўргана оларди. Ноёб истеъдод соҳиби эди. Сиз билан гаплашса ичингиздагини билиб турарди. Одамни руҳига кириб кетарди шунчалик. Абдулла Қодирийда ҳам шундай хусусият бор эди.

**— Тоталитар тузум ҳақида фикр юритганимизда, маданиятда, илм-фанда эришилган ютуқларни ёддан чиқармаслик, тўғрироғи улардан воз кечмаслик, имкон бўлса уларни бойитмоқ, давом эттирмоқ зарур. Маҳмудхўжа Беҳбудий юртининг истиқболини маданиятли маънодаги зиёлилик, маданийлик тушунчаларини давлат сиёсати даражасига кўтариш йўлларини излаганлар, деб биламан. Дарҳақиқат санъат ҳар бир давлатга зарур.**

— Шундайку-я! Лекин ўша кезлари биз ўзимизга ўзимиз хўжайин эмас эдик-да. Энди вазият тубдан ўзгарди. Лекин мустақил бўлганимиз бу — биринчи қадам. Мустақил давлат мустаҳкам бўлиши керак. Иқтисодий-техникавий замин зарур. Шу билан бирга маънавий бойлик, руҳий озиқ бўлиши керак. Бундай ҳолда «олма пиш, оғзимга туш» қабилида иш қилиб бўлмайди. Бу бойлик осмондан тушмайди. Уни ўзимиз яратамиз, халқимиз яратади. Асрлар давомида шаклланиб келган маданий меросни бутун тарихий қатламларда ётган бойликларнинг ҳаммасини элакдан ўтказиб бугунги кунга хизмат қилдириш керак. Шунда халқимиз ўтмиш шарбати, қадимий мерос булоқларидан мадад олиб туради. Бола онани эмиб вояга етганидек, халқимиз буюк Темур ва ўша давр маданиятидан, тарихимиз қатламларида ётган маънавий озуқалардан баҳраманд бўлади.

Яна бир масала. Бошқа мамлакатлар қайси бир соҳада илгарилаб кетган бўлса, ўша соҳа сидқидилдан ўрганилиши керак. Бошқалардан ўргана билиш учун ҳам ақл керак, хафсала керак, меҳнат керак, изчиллик керак. Ҳозир ҳар бир одам томоғини ҳалоллаб ейиши керак. Майда-чуйда гапларга ҳозир ўрин йўқ! Мустақилликни мустаҳкамлаш учун, олға юриш учун қўлингдан нима келса, шуни қилишинг керак. Куч-қудратингни, борлиғингни, билимингни шу халқнинг бахт-саодати учун сарфлашинг керак. Ўшанда ўзинг ҳам ўсасан, бошқалар ҳам ўсади. Ҳозир даврани айниқса кенг олиш керак. Ўз қобиғимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак. Чунки маънавиятнинг, умуман маданиятнинг миллий чегараси бўлмайди. Шарқ ва Ғарб маданиятининг илдизи битта, маъноси ҳам битта, мақсади ҳам. «Ғарб яхши-ю, Шарқ ёмон, ёки аксинча, Шарқ яхши-ю, Ғарб ёмон» — бу чегараланган одамларнинг гаплари. Бугун биз тилга олаётган 20—30-йиллар зиёлилари маданиятни, халқлар тараққиётини континентларга бўлиш, ажратишнинг охири вой бўлмасмикин, деб бош қотирганлар. Аслида эса улар чин ўзбеклар, Туркистонни ардоқлаганлар, унинг обрўсига обрў қўшганлар эди! Буни қаранг-а: ўзбекка меҳр қўйган, уни мадҳ этганлар қай даражада кенг миқёсда фикрлаганлар!

**— Сизнинг сўзларингизни тинглаб, «халқимизнинг эстетик идеали ниҳоятда юксак, унинг асл фарзандлари шу идеални сўзда, тасвирда, ижрода, куйда, минора-ю, расадхонада ифода этганига қаранг» деб юборгудек бўлдим.**

**Менимча мустақиллик даврида эстетик мустақилликка эришишнинг асосий негизларидан бири шу — меросни чуқур ўзлаштириш. Мен ҳам шунинг тарафдориман.**

— Мулла Ҳамидулла, сиз айтаётган эстетик тарбия болаликдан бошланади. Аввал халқ оғзаки ижодиёти намуналари ўрганилади. Шунда ўзингни бақувват сезасан. Мустақил сезасан. Кимнинг авлоди эканлигингни ҳис этиб турасан. Ўзга таъсир ҳақида ўйламайсан ҳам. Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан, Ислом шоир Назар ўғли, Бола бахши — лоақал шулар ёзиб қолдирган достонларни эсланг! Улардан 72 тасини мен қайта ўқиб чиқдим. Улар ўрганилиши, экранга, саҳнага кўчирилиши зарур. Буни қарангки, катта шоирлар уларга мурожаат этиб сюжет топганлару, кино шундай достонларга аҳамият бермайди.

**— Бу асарлардан аввало миллий характер яратишни, эстетик шакл танлашни, мураккаб бадиий тўқима яратишни ўрганиш зарур.**

**С. А.:** Суҳбатимизни «Гёте билан суҳбатлар» китобида келтирилган бир жумла билан тугатишни истардим. Унда «Олтин олмаларни кумуш косаларда узатиш керак» дейилган. Бизнинг «Олтин олмаларимиз» мўл. Лекин уларнинг ҳақиқатан ҳам олтинлигини билдириб турадиган ўша кумуш, биллур косаларни яратишда, топишда сир кўп. Мазмун ва шакл бирлиги, теран фикр, кучли ҳис-туйғуга мос келадиган нафис эстетик шакл ихтиро қилиш масалалари биз бугун тилга олган меросда ҳал этилган. Шу боисдан ёшларга ҳам, кексаларга ҳам мурожаат этиб ўша мерос қатламларидан баҳраманд бўлинг, дегим келади. Ёшим 90 га яқинлашганда бундай насиҳатга ҳаққим бордир...

ХОТИМА

*С. Азимов аввало файласуф эдилар. Бу олим Чўлпон, Фитрат, Ботуларнинг авлодидан эди деганимизда у кишининг заковатини ва мўътабар ёшларинигина эмас, 20—30-йилларда ҳурриятнинг етакчи ғоялари шаклланишидаги, фалсафий фикрлар камол топишидаги бинобарин, бадиий ижод самарали бўлишидаги хизматларини назарда тутамиз.*

*Ҳа, Сулаймон ака ўша зиёлилар авлодига мансуб ва бу билан фахрланар эдилар.*

**Ҳамидулла АКБАРОВ**



***СУРАТДА: Сулаймон Азимов. Л. АБДУЛЛАЕВ чизган портретдан***

# ИККИ АЗАМАТ ЧИНОР

Давоми. Боши биринчи бетда

Икки улуғ адибнинг дўстона муносабатлари ҳақида замондошлари ажойиб хотиралар ёзиб қолдиришган. Мен бу ўринда Ойбек билан М. Авезовнинг 1945—1946 йилларда бўлиб ўтган учрашувлари тўғрисидаги Миртемирнинг мунаввар бир хотирасини келтиришни истардим. У Олма-отага Абайнинг 100 йиллик тўйини нишонлаш учун борган ўзбек ёзувчиларининг учрашувлари тўғрисида сўзлаб, бундай ёзган:

«...Бизни тоғ устидаги ажойиб боққа олиб боришди ва ҳар ким алоҳида жой олди. Дўстлар, танишлар жам эди бу тўйда. Сергей Бородин, Берди оға, Силва Капутикян — қўйингчи, кўпчилик эдик. Гурунгга гурунг уланар эди. Ўшанда ҳамма Ғафур ака ва Сергей Петрович айтган латифага ўралашиб қолганда, Ойбек, Мухтор оға хиёбонда сўзлашиб ётарди... Бир кун тонг отгунча қизғин суҳбат бўлди. Грузин ҳам, озарбойжон ҳам, татар ҳам, рус ҳам топганини ўртага ташларди, бир сўз билан айтсам, бу сархуш кулги кечаси эди. Лекин ҳаммадан кўп айтган Ғафур ака бўлди. Шундай латифалар айтардики, бутун давра қотиб-қотиб кулар, Ғафур ака уст-устига айтар, йўл-йўлакай бир зумда тўқиб айтар эди... Тонг отди-ю чойга ўтирдик. Ҳайрон қолгулик ҳол. Ўша улкан зиёфат уйига ёндош уйдан Ойбек ва Мухтор оға чиқиб келди. Биз тонг отгунча кулдик, улар иккови тонг отгунча суҳбатда...

Президиумда ҳам иккови пичирлашиб ўтиришар, бора-бора бир-бирини имода тушунадиган бўлди. Бора-бора бир-бирини излаб келадиган ва борадиган бўлди.

Устоз Ойбек қозоқ халқи, қозоқ ҳаёти билан болаликдан таниш. Мухтор оға ўзбекка жиян. Икки халқнинг икки алп қаламкаши қалин маслаҳатдош эдилар».

Улуғ қозоқ оқинининг 100 йиллиги нишонланган пайтда Ойбек Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси ва СССР Ёзувчилар уюшмаси бош котибининг ўринбосари ҳамда СССР Олий Совети депутати сифатида Москвага, турли йиғилишларга тез-тез борар ва шу йиғилишларда Москва Давлат университетининг домласи, атоқли ёзувчи Мухтор Авезов билан кўп бора мулоқотларда бўлар эди. Бири «Навоий», иккинчиси «Абай» романи билан машҳур бўлган бу икки ёзувчи буюк: икки қардош адабиётларнинг тақдири кўп жиҳатдан уларнинг ижодий изланишлари ва ютуқларига, ўз олдиларига қўйган бадиий вазифаларнинг салмоғига боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам улар адабиёт оламида рўй бераётган янгиликларни тинмай кузатар ва зарур ҳолларда ёрдамталаб ёзувчиларга мадад қўлларини узатар эдилар.

Сир эмас, улар ўртасида нозик масала ҳам бўлган: бир-бирларининг ижодларини диққат-эътибор билан кузатган адиблар бир-бирларидан орқада қолмасликка тиришганлар. Шу маънода улар ўртасидаги дўстлик бу ҳар икки ёзувчининггина эмас, айни пайтда ўзбек ва қозоқ адабиётларининг шу йилларда гуркираб ўсишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.



Ойбек уй музейида

Мухтор Авезовнинг шогирдларидан бири Анвар Олимжонов Ўзбекистонда кўп бўлган. У биринчи марта Тошкентга устози билан бирга келганида М. Авезов уни Ойбек яшаган хонадон сари етаклаган. Ўша унутилмас учрашув ва суҳбат соатлари А. Олимжоновнинг хотирасига бир умрга муҳрланиб қолган. Кейинчалик у икки устознинг ана шу учрашувини бундай сўзлар билан эслаган эди:

«...Кўпни кўрган, кўпни билган, оламнинг гўзаллиги билан нафосатига шайдо бўлган бу икки донишманд Шарқ шоирлари тўғрисида ўтмишдаги ва ҳозирги Шарқ тўғрисида, олимлар, фозиллар, саркардалар ва файласуфлар ҳақида гурунглашардилар. Меҳмоннинг фикрини мезбон давом эттирарди, мезбон бошлаган шеърнинг сўнгини меҳмон илиб кетарди.

Икки дўстнинг шеърий ва фалсафий, айни вақтда кўнгилли суҳбати анча давом этди. Таъб ва диллари қарийб бир хил бўлган бу икки буюк қалб эгаси билим чашмаларидан бир-бирларини баҳраманд этиб, юрак чигилини ёзардилар. Ўз халқининг адабиёти ва маданиятини беш қўлдек биладиган бу алломалар Шарқ маданияти ва шеъриятига ҳам чексиз меҳр қўйган эдилар.

Чой совиб қолди, палов билан кабобнинг димоқни қитиқловчи иси, анвойи тур гулларнинг муаттар бўйига қўшилиб кетган, икки дўстнинг дилкаш суҳбати эса қизигандан-қизиб борар, мени тамоман мафтун этган эди. Шу палла бу шинам айвонда Ҳофиз, Жомий, Фирдавсий, Навоий, Абай, Шерниёз, Фурқат, Маҳамбет ва Муқумийлар меҳмон бўлдилар. Уларнинг шеърлари, ғазаллари, рубоийлари, ҳикматли гаплари тилдан тушмади. Ўрта Осиёнинг беназир рассоми Беҳзод, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, тарихчилардан Мирхонд ва Хондамирдан сўз очдилар...».

Анвар Олимжонов бу пайтда ҳали Ойбекнинг йирик иқтисодчи ва файласуф олим, антик адабиётдан Анна Ахматовага қадар жаҳон ва рус адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилган ва билган аллома, «Болалик» қиссаси билан ўзбек китобхонида бепоён қозоқ чўллари ва уларда истиқомат қилган халққа меҳр-муҳаббат уйғотган гуманист адиб эканлигини билмас эди. У ана шу учрашувдан кейин Ойбек ҳаёти ва ижоди билан бамайлихотир танишгач, унинг Мухтор Авезов ҳурматини қозонгани сабабларини теран тушунади. «Буларнинг ҳаммасидан кейинчалик хабардор бўлдим. Аммо ўша куз куни рўпарамда собиқ советлар мамлакатидаги китобхонларни ўз элининг буюк фарзанди Алишер Навоий билан таништирган улкан адиб Ойбек ўтирганлиги мени ҳаяжонга солган эди», деб эътироф этади А. Олимжонов.

1957 йилнинг 28 сентябрида қардош қозоқ халқи буюк адибнинг табаррук 60 ёшини кенг нишонлади. Ойбек бу вақтда тилдан қолган ва қўли қалам ушлашга мажолсиз эди. Шунга қарамай у «Қозоқ адабиёти» газетаси учун «Адабиёт тўйи» деб номланган мақола ёзади ва чамаси шу мақолани «Ўзбекистон маданияти» газетаси ўз саҳифаларида эълон қилди. «Бугун Қозоғистон адабиётининг катта тўйидир. Мухтор оға Авезов чиндан атоқли, чиндан буюк, чиндан тоғ каби баланд, гигантдир», деб бошланган бу мақолада, Ойбек қозоқ адибини йигитлик вақтидан танишини, чуқур, жуда чуқур ҳурмат қилишини айтган. У бу мақоласи билан кифояланиб қолмай, қардош дўстига шеър ҳам бағишлаган. Бу шеърда жумладан, бундай самимий сатрлар ҳам бор:

Мухтор оғой, дўстим,
сенга саломим!
Қутлуғ бўлсин зўр
байраминг, ижодинг!
Олтмиш дафъа
айланибсан қуёшдан,
Қуёш каби
серҳосилдир ҳаётинг...

Сен яратдинг улуғ
Абай достонин,
Янграб кетди дунё
бўйлаб халқларга.
Севиб ўқир қирғиз,
ўзбек, рус — барча,
Нур ва қўшиқ сендан
оқар қалбларга...

Ойбек қозоқ биродаридан саккиз ёш кичик эди. 1961 йили Мухтор оға 64 ёшида оламдан ўтади. Орадан бир йил ўтгач, Ойбек хаста бўлишига қарамай Қозоғистонда ўтган ўзбек адабиёти ҳафталигида иштирок этиб, дўсти қабрини зиёрат этади. Шу воқеанинг шоҳиди бўлган Миртемир бу ҳақда шундай ёзган:

«Қозоқ пойтахтининг бир чеккасида, қалин ўрмонзорда, яшиллик барқ урган бир гўшада қабристон бор. Мухтор оға Авез ўғлининг панжарали қабри ҳам шу ерда. Машиналардан тушдик. Гулчамбарлар кўтарган ўзбек санъаткорлари ва адиблар Мухтор оға қабри устига келдик. Бир уй ўрнидай сайҳон ўралиб гул экилибди. Ўртада мармар тахта. Бу мармар тахта тагида сўз санъатининг паҳлавонларидан бири ётар эди. Гулчамбарлар қўйилгач, Ғабит Мусреп ва устоз Ойбек қабр ёнида тик туриб қолди. Бошқалар ёнма-ён қатор тизилдик. Сукунат. Бир неча дақиқалик сукунат она тупроқнинг ўзидай вазмин ва пурҳикмат эди. Устоз Ойбек дўппи тагидан тошиб, чаккаларига тушган жингалак соч бошини қуйи солиб, мармарга тикилганича жимиб қолган эди. У ҳозир қалин дўстини эсламоқда эди...».

Ойбек билан Мухтор Авезовнинг ҳаммамиз учун ибратли дўстлиги улар ўлими билан тугамаган. «Навоий» ва «Абай» икки халқнинг янги авлодларини дўстлаштиришда давом этади.

«Туркистон — умумий уйимиз» шиори «Марказий Осиё — умумий уйимиз» шаклини олган ҳозирги воқеликда икки улуғ адиб ўртасидаги дўстлик янги мазмун касб этаётгандек кўринади. Ойбек ва Мухтор оға бизни — Марказий Осиё зиёлиларини ўз изларидан боришга даъват этадилар.

**Наим КАРИМОВ**

*Замон китоблари*

# «КАССАНДРА ТАМҒАСИ» НИМА?

Чингиз Айтматовнинг асарлари жаҳон адабиётининг энг янги намуналари сирасига киради. Буни шундан ҳам билса бўладики, ёзувчи ўз асарларининг бошқа тилларга таржима қилиниши ва нашрлар сони жиҳатидан дунёда энг олдинги ўринларда туради. Унинг китоблари рус тилида нашр қилинган заҳоти кўплаб чет тилларга ўгирилади. Ёзувчининг «Кассандра тамғаси» романи Москвада «Знамя» журналида чоп этилиши баробарида немис, француз, инглиз ва япон тилларида ҳам босиб чиқарилди.

Роман кўп баҳс ва мунозараларга сабаб бўлаётир. Масалан, у рус миллатчиларига ёқмаётир. Олмонияда эса қўлдан қўлга тегмай, бестселлер бўлиб кетди.

Чингиз Айтматов илгарилари ер ва сув билан ҳамкорликда ижод қилиб беназир асарлар яратган бўлса, «Асрга татигулик кун» романидан бошлаб Очунни ҳамкорликка чақириб, ўз қаҳрамонларини фазога йўллади. Катта шов-шувларга сабаб бўлган «Кассандра тамғаси» романининг бош қаҳрамони ўзининг оламшумул кашфиётига ва ниҳоят ўз ҳаётига фазода якун ясаши ҳам бежиз эмас.

Роман изқуварликка оид эмас. Унда муҳаббат ҳам йўқ. Ёзувчи китобхонни ўйга толдиради ва ҳатто боши берк кўчага олиб киради.

Асарда бутун сайёра, борингки, коинот миқёсида кенг ва узвий мушоҳада юритилган. Муаллиф бугунги шафқатсизлик, ёвузлик, ваҳшийлик уруғларининг келажакда даҳшатли мевалар бериши мумкинлигини моҳирона тасвирлайди.

Романни тушуниш осон эмас. Уни қайта-қайта ўқиш керак.

Воқеа бундай бўлади. 1942 йилнинг охирларида саҳар пайтида бир аёл эндигина туғилган чақалоғини қоп-матога ўраб болалар уйи эшиги олдига қор устига ташлаб кетади. Болага Андрей Крилсов деб исм-шариф беришади. Ташландиқ бола ўта зеҳнли бўлиб, мактабни ва тиббиёт институтини муваффақиятли битиради. Кейин генетик олим ва ниҳоят, академик бўлиб етишади. У ҳомиладорлик мўъжизасини ва одамнинг дунёга келиш сирларини ўрганишга ўзини бағишлайди.

Крилсов ўз тажрибахонасида шиша идишда етиштирилган уруғдан узоқ муддатга қамалган маҳкума аёлларнинг қорнида ҳосил қилинадиган зурриётларнинг — ота-онаси ҳам, акаукаси ҳам, амакию тоғаси... хуллас биронта қариндош-уруғи бўлмаган болаларнинг тақдири нима кечиши ҳақида ўйламайди ҳам.

Бундай инсонларни яратиш масаласи партиянинг диққат марказида ва ҳомийлигида эди. КПСС МК секретари Конюханов Крилсов билан бўлган суҳбатда шундай дейди: «Гап шундаки, Сиз учун бу қизиқарли лаборатория экспериментлари обекти бўлса, биз учун иксзурриёт — янги типдаги одам ва бизнинг программамизга кўра, меҳнаткаш синфларни эски дунёдан халос этиш учун уни ағдар-тўнтар қиладиганлар ҳам худди ана шу иксзурриётдир. Иксзурриёт келажакда ўз умрини ўтаган эски дунёни таг-томири билан қўпориб ташлаш баробарида дунёни бунёд этажак. Шубҳа қилмайманки, иксзурриётлар муҳитида буюк кишилар, даҳолар одатдаги, эскириб қолган муҳитдагига қараганда кўпроқ пайдо бўлади».

Ҳар қандай соҳада ҳам гап воситада эмас, мақсаддадир. Умуман олганда зарур бўлиб қолса, сунъий ҳомиладорликдан фойдаланса бўлади. Дунёда нима қилиб бўлса ҳам болалик бўлишни хоҳлаган сон минг одам бор. Яқинда Россия шаҳарларидан бирида кичик корхона эгаси туғруқхонага келиб «хотинимни қандай йўл билан бўлса ҳам туғдириб беринглар» деб мурожаат қилибди. Ой-куни етиб болалик бўлгач, отаси туғруқхонага катта маблағ ўтказибди.

Баъзан кулгили воқеалар ҳам бўлиб туради. Голландияда ёш эру хотин бола бўлавермаганидан кейин сунъий уруғлантириш йўлини танлашибди. Эрининг пушти шиша идишда уруғлантирилган, сўнг уруғ хужайраларини хотиннинг бўйига солишибди. Ой-куни етиб эгизак ўғиллар туғилибди. Ўғил болалардан бири оқ танли бўлса, иккинчиси қора танли эмиш. Сабабини текшириб кўришса худди ўша шиша идишда бундан олдин қора танли бир арабнинг уруғини олишган экан.

Собиқ Совет Иттифоқида ота-онаси номаълум бўлган болаларни дунёга келтириш ишлари уят-андишани бир чеккага йиғиштириб қўйиб олиб борилган: бунда масаланинг ахлоқий жиҳати — иксзурриётларнинг тақдири, келажакдаги ўрни ҳақида ўйлаб кўрилмаган.

Газета маълумотларига қараганда, Брежнев Днепродзержинск шаҳридаги ҳайкалининг очилишига келганда, уни талай ёш жувонлар ўраб олишган ва эрлари-болалари йўқлигидан шикоят қилишган. Брежнев бу аёлларнинг навбат билан Кремл касалхонасига боришларини маслаҳат берган. Шундан сўнг аёлларнинг ҳаммаси болалик бўлишган.

Академик Крилсовнинг хотини Евгения эса биронта инсон журъат этолмаган ишлар қилаётганидан хабар топгач, эридан бу хизматни ташлаб, узоқ-узоқларга кетишини, болалик бўлишини илтимос қилади. Эри унамагач, бутунлай кетиб қолади.

Бола туғиб бериш учун келтирилган маҳкумалардан бири Руна деган аёл профессорнинг қилаётган ишларидан нафратланиб, қамоқ муддатига муддат қўшилишидан қўрқмасдан ҳақоратомуз гаплар билан олимни бу ишлардан воз кечишга ундайди. Одамлар табиат билан худо буюргандай урчишадими ёки шайтоннинг васвасаси билан ҳал қилинадими бу муаммо дейди. Бу гаплар, олимни ўйлантириб қўяди. Шундан сўнг Руна чиқиб кетади. Крилсов кўнглида Рунага нисбатан қандайдир ҳис, ҳатто муҳаббат сеза бошлайди. Унга уйланмоқчи бўлади. Тажрибахонага такрор чақиришганда Руна ўзини сувга ташлаб ҳалок бўлади. Сўққабош бўлиб ёлғиз қолгач, Крилсов фазога кетишга қарор қилади.

Халқаро фазо кемасининг илмий стансиясида уч йилдан ортиқроқ муддатда тадқиқот олиб бориб, ўта мукаммал асбоблар ёрдамида олим улкан кашфиёт қилади. Айрим ҳомиладор хотинларнинг пешоналарида, икки қош оралиғида қизил доғ пайдо бўлар экан. Бу доғни олим «Кассандра тамғаси» деб атайди. Кассандра — қадимги юнон мифологиясида башоратчи фолбин, тақдир маъбудаси. Ана шу қизил хол пайдо бўлишига ишора бериб турадиган ҳомилани кассандра — эмбрион деб атайди. Крилсов бунинг сабабини аниқлайди: бўлажак боланинг имкониятлари — тақдири азал ёмон кечадиган бўлса, онада ҳомиладорликнинг дастлабки ҳафталарида ана шундай доғ нишон берар экан. Бундай ҳолларда эмбрион ёруғ дунёга келишини хоҳламайди ва ҳалок бўлиш эркини танлайди. Ўзини йўқотишларини илтимос қилади. Шўрпешона бўлиб туғилгандан кўра, туғилмасликни афзал кўради. Олим фазодан махсус нур юбориб кассандра тамғасини кучайтиради, шундан сўнг қизил доғ милт-милт этиб пириллаб ҳаммага кўрина бошлайдиган бўлади. Шу йўл билан бутун ер курраси бўйлаб барча аёлларнинг ҳомилалари «сўроқ қилиниб», кассандра эмбрионлари аниқланади. Ёруғ дунёга келгач ғам-ташвишдан боши чиқмайдиган, жамият пешонасига битган бало бўлиб туғиладиган Кассандра — эмбриондан келган мужданинг маъноси тахминан мана шундай: «бордию эрк менда бўлса мен туғилмасликни афзал кўрган бўлур эдим... Агар мени хоҳишимга қарамасдан туғилишга мажбур қилсалар, мен тақдири азални қабул қиламан, ҳамма замонларда барча кишилар худди ана шундай йўл тутишган. Мен билан видолашиш ҳали кеч эмас ва мен бунга тайёрман...

Мен кассандра-эмбрионман, туғилишни хоҳламайман, истамайман, истамайман, истамайман...»

Крилсов фазода узоқ яшаб, бир ғаройиб ҳомилалар — кассандра-эмбрионлар сонининг йил сайин ошиб бораётганини аниқлагач, ёвузлик авж олиб гуноҳи кабиралар кўпайиб кетаётганига амин бўлгач, иксзурриётларнинг дунёга келтирганидан пушаймонга тушиб, ўзини фазовий зоҳид деб эълон қилади ва Филофей лақабини олади. Фазовий зоҳид Филофей кассандра тамғаси ва кассандра-ҳомилаларни аниқлаш борасида қилган буюк кашфиётини ва инсониятнинг ўзи охир замонни яқинлаштираётганини очиқ-ойдин айтиб, Рим папасига, у орқали бутун башариятга, кўйингки, бўлажак авлодларга мурожаат қилади. Номанинг нусхаси орбитал компютердан «Трибюн» газетаси редакциясига босиб чиқариш учун жўнатилади.

Фазовий зоҳид Филофейнинг Рим папасига хати романнинг бош фалсафаси, квинт эссенсияси, мағзидир. Аслида Айтматовнинг янги асари бошқа асарларидан кўра ҳам фалсафий мушоҳадаларга, афоризмларга тўлиб тошган. «Кассандра тамғаси» роман-фалсафа, роман — SOSдир.

Айтматов романнинг бош тўқимаси учун илмий фантастика услубидан фойдаланган. Бу услуб илмий мушоҳадаларга қурилган.

Инсон улкан жумбоқ олдида турибди. Демографик портлашлар оқибатида ер юзида жисмоний, ақлий, руҳий жиҳатдан ногиронлар нисбати ортиб бораяпти. Бола олдириш қотиллик билан тенг гуноҳи азим ҳисобланса, инсоннинг ер юзига сиғмай кетишига қандай чек қўйса бўларкин? Кишиларнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан иллатлар билан дунёга келмаслигига қандай эришса бўларкин? Бу саволга файласуф ёзувчи Кассандра тамғасини «кашф» қилиш билан жавоб берган. Эндиги навбат олимларга. Соғлом пушт билан носоғлом ҳомиланинг эмбрионлик давридаёқ бирон фарқи бўлмаслиги ва бу тафовут нималардадир белги бермаслиги мумкин эмас.

Шу нарса кашф қилинса ва савдойи, восвос бўлиб туғиладиган эмбрионни бартараф қилиш ёки даволаш йўли топилса борми, инсоният олдида янги бир дунё, ёппасига ақли салимлик, жисмонан соғломлик, роҳат-фароғат дунёси очилади. Чингиз Айтматов ана шу кунларни яқинлашиши устида бош қотиради. Роман жаҳон тараққиётининг истиқболларига, жамиятнинг маънавий, биринчи галда ахлоқий муаммоларига, жамиятни соғломлаштириш йўлларини қидириб топишга бағишланган. Лекин бу осон иш эмас. Жамият ўзининг касалликларига кўникиб қолган кўринади. Шу хасталиклардан қутулиш йўлларини таклиф қилганлардан ўч олиш пайига тушади. Айтматовнинг бош қаҳрамонлари ана шу жаҳолат қурбони бўлишди — совет тузуми даврида шон-шуҳрат кетидан қувиб иксзурриётларни дунёга келтирган олим Андрей Крилсов кексайганида тавба-тазарру йўлига киради, фазодаги кашфиётларини одамлар тушунмаганидан, қабул қилмаганидан сўнг фазовий зоҳид ўзини очиқ коинотга улоқтиради. Жамият истиқболларидан башорат қилувчи йирик олим Роберт Борк Филофей кашфиётларига хайрихоҳлик билдиргани учун қутурган оломон уни ҳалок қилади. Кассандра тамғаси ва кассандра-эмбрион воқеаси бор-йўғи бадиий тўқима. Муаллиф ана шу тўқима воситасида кўпдан бери ўзини қийнаб юрган муаммоларни, инчунин очлик, турли касалликлар (жумладан СПИД), хилма-хил урушлар, иқтисодий тангликлар, ижтимоий қасирғалар, жиноятчилик, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик, мафия, ирқчилик, экологик портлашлар, ядро синовлари, «қора туйнуклар» каби инсониятнинг бошига тушган кўргиликларни айтиб олган. Буларнинг кўпчилигига одамларнинг ўзлари сабабчи эканини алоҳида ўқтирган.

Ёвузлик уни ижро этган одамлар билан биргаликда изсиз, жавобсиз кетмас экан, балки ирсиятнинг кунжак-кунжакларида талай вақтгача сақланиб қолар экан.

Инсоният улкан муаммолар, синовлар олдида турибди. Чингиз Айтматов кишиларни хушёрликка, ўз фожиаларини англаш билан бир қаторда энг муҳими, омон қолишнинг янги усулларини ва тараққиётнинг янги шаклларини қидириб топишга, янгича турмуш тарзига, янгича тафаккур қилишга, ёвузликдан юз ўгириб, эзгуликнинг этагидан тутишга чорлайди.

**Суюн ҚОРАЕВ,**
**профессор**

# ТУРКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

## ОРЗУ-АРМОНЛАР БИРЛИГИ

Қадим-қадим замонлардан бошлаб Марказий Осиё ва Кичик Осиёдаги туркий халқлар — ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, шунингдек, усмонли турклар, озарбойжонлар, татар, бошқирд ва қорақалпоқлар бир-бирлари билан ўзаро иқтисодий, маданий ва адабий алоқада бўлиб келганлар, ўзаро умумий бўлган яхлит маданий мерос яратганлар. «Манас», «Алпомиш», «Гўрўғли», «Дада Қўр-қут», «Қирқ қиз» сингари қаҳрамонлик достонлари, «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Тоҳир ва Зуҳро» каби чин севги ва садоқат руҳидаги халқ афсоналари ва достонларидан тортиб, Насриддин Афанди, Алдар Кўса, Жиранча чечан сингари халқ донишмандлик латифалари, Навоий ва Фузулий сингари буюк сиймоларнинг «Лайли ва Мажнун» сингари ёзма ишқий достонлари шулар жумласидандир.

Туркий халқлар ёзма адабиётлари тарихидаги энг илғор ғоялар, мавзулари бўлган — инсонпарварлик, ватанпарварлик, золимларга нафрат, мазлумларга меҳру шафқат, одамийлик, самимийлик, муҳаббат ва садоқат мавзулари XV асрда, Навоий даврида айниқса кучайиб, ундан кейинги асрларда озарбойжон адабиётида Фузулий (1502-1562), туркман адабиётида Махтумқули, Андалиб, қорақалпоқ адабиётида Бердах (1827-1900), татар адабиётида Муҳаммад (XVI аср), Абдулла Тўқай (1886-1913), қозоқ адабиётида Абай (XIX аср) ижодкорларида тобора такомиллашиб, ривожланиб борди. Уларга, айниқса, Навоийнинг инсонпарварлик ва меҳру вафо руҳидаги юксак бадиий достонлари ва шеърияти кучли таъсир эта борган.

Шуларни назарда тутган татар адиби Олимжон Иброҳимов (1887-1938) Навоийнинг ўзидан кейинги бошқа туркий халқлар адабиёти, жумладан, татар ёзувчи ва шоирларига бўлган кучли таъсири хусусида тўхталиб ҳақли равишда шундай деб ёзган эди: «Навоий кабилар Туркистонда қанчалик қадрли бўлса... бизда ўз ватанларига қараганда балки муҳим аҳамиятга эга бўлдилар».

XIX асрнинг охирлари ва XX аср бошларидаги усмонли турк адабиётининг — Номиқ Камол, Абдулҳақ Ҳомидбек, Тавфиқ Фикрат сингари буюк гуманист ва ватанпарвар шоир ҳам драматургларининг мазкур даврларда Қрим, Эдил бўйи, Кавказ орти ва Туркистон туркийлари адабиётларидаги маърифатпарварлик ва жадидчилик адабиётининг улуғ вакиллари — Исмоилбек Ғаспирали, Ризо Фахриддинов, Абдулла Тўқай, Ғалиасқар Камол, Собир Тоҳирзода, Муҳамад Ҳоди, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Султонмурод Тўрайғуровлар ижодкорларига бўлган самарали ва баракали таъсирлари билан бу муштаракликлар янада кучая бошлади.

Бу жиҳатдан, айниқса ўзбек адабиётидаги Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» (1913), Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв», Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт ёки ишқ қурбонлари» (1915) каби саҳна асарлари билан турк адабиётидаги Номиқ Камолнинг «Заволли жўжиқ», озарбойжон адабиётидаги А.Ахвердовнинг «Бахтсиз йигит», татар адабиётидаги Ғ.Камолнинг «Бахтсиз йигит», С.Урфанзоданинг «Ишқ қурбонлари» (1911), қозоқ адабиётидаги С.Қўбоевнинг «Қалин мол» (роман, 1914) сингари жаҳолатга қарши руҳдаги саҳна ва насрий асарларини, шунингдек ўзбек шеъриятидаги Ҳамзанинг «Илм ҳақида», «Мактабдин» (1914), Абдулла Авлонийнинг «Ўз турмушимиздан» шеърлари билан, озарбойжон шеъриятидаги Муҳаммад Ҳодининг «Мактаб», «Мактаб шарқиси», М.Собирнинг «Илмга тарғиб», қрим-татар шеъриятидаги Ҳусайн Тўхтарғозининг «У надур?», қозоқ адабиётидаги Султонмаҳмуд Тўрайғуровнинг «Ўқишдан мақсад нима?» сингари маърифатни тарғиб ва улуғловчи шеърларини қиёслаш мақсадга мувофиқдир.

Туркий халқлар адабиётининг мазкур саҳна ва шеърий асарларига хос умумий ғоявий ва бадиий муштаракликларни ижтимоий ва оилавий ҳаётдаги қолоқликка, жаҳолатга, эски урф-одатларга қарши кескин кураш, янги илғор ҳаёт, маърифат ва тараққиёт, эл-юрт бахти-саодати учун кураш ташкил қилади.

Масалан, Муҳаммад Ҳодий (1879-1920)

**Маориф бир саодатдир,**
**этар маъсуд инсонни,**
**Жаҳолат бир мараздир,**
**йўқ иложи илмдан бошқа...**

— деса,

Ҳусайн Шомил Тўхтарғозий (1881 -1913)

**Бундан сўнг усиз ҳаёт**
**бўлмаяжак,**
**Унинг ила очилган гул**
**сўлмаяжак.**
**Ул бўлган ерда зулмга жой**
**қолмаяжак,**
**У ўқувдирки, жўжиқларнинг молидир.**

— дейди.

XX асрнинг 1917 рус феврал инқилобидан сўнг чор империяси зулми остидаги Туркистон ва Кавказ орти, Эдил бўйи туркий халқлари адабиётларида, ўзбек, татар, озарбойжон, қозоқ, бошқирд ва бошқа халқларнинг миллий мухториятларини мадҳ этиш ва уларни биргалашиб ҳимоя қилишга даъват этувчи муштарак ғоялар тобора кенг ўрин ола бошлади (масалан, ўзбек адабиётида Чўлпоннинг «Озод турк байрами» (1917), Ҳамзанинг «Туркистон мухториятина» (1918), С.Айнийнинг «Турон марши», «Биз ким?» (1919), озарбойжон адабиётида Узаирбек Ҳожибековнинг «Миллий марш» (1917), татар адабиётида Саид Сукчалайнинг «Мухторият садоси» (1917), Муҳаммад Ғалининг «Уйғон, Турон!» (1919), бошқирд адабиётида Мажид Ғафурийнинг «Озодлик шарафига» (1917) ва бошқалар.

Ҳамзада:

**Тўрт юз йиллик Романов**
**битгач давлати,**
**Кўтарилди асорат,**
**хўрлик зиллати**
**Насиб ўлди миллата**
**қайтиб шавкати,**
**Кутлуғ бўлсин Туркистон**
**мухторияти**

С.Айнийда:

**Уён, Турон, эли уён,**
**Тўлқинланди бутун жаҳон!**
**Ўзбек, қозоқ, туркман,**
**татар,**
**Бир неча йил бўлдинг етар**
**Айриликдан ўзни қутқар**
**Айрилмиш эр! Бошга етар.**

Саид Сунчалайда эса:

**Айдангиз, айдангиз,**
**эй туғонлар,**
**Айдангиз, бирлашайиқ,**
**мусулмонлар.**
**Қичқирайиқ дунёга**
**эрк овозин**
**Яшасун мухторлик,**
**яшасун!**

— дейди.

Туркий халқлар орасида кучая бошлаган маърифатпарварлик ва миллий истиқлол учун кураш ҳаракатлари уларнинг адабиётларида ҳам муштарак мавзулар билан бирга муштарак қаҳрамонлар ва типларни майдонга келтира бошлаган эди (масалан, Исмоилбек Ғаспиралининг «Дорилроҳат мусулмонлари»даги тошкентлик мулла Аббос билан Чўлпоннинг «Дўхтур Муҳаммадёр» (1914) ҳикоясидаги дўхтур Муҳаммадёр характерлари, Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт ёки ишқ қурбонлари» (1915) драмасидаги Маҳмудхон ва Марямхон билан Наримон Наримоновнинг «Баҳодир ва Сўна» (1891) сидаги Баҳодир ва Сўна, Олимжон Иброҳимовнинг «Ёш юраклар» (1912) романидаги Зиё ва Марям билан Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» (1925-1926) романидаги Отабек ва Кумуш севги саргузаштлари ҳам уларнинг бу йўлдаги тўсиқларга қарши курашдаги фожиали тақдирлардаги умумийликлар шулар жумласидандир.

Масалан, Наримон Наримоновнинг «Баҳодир ва Сўна» фожиасидаги Баҳодирнинг Сўнага мактубида: «Ҳаётим ҳаётингизга боғлиқдир, хоним афанди! Мен агар фақат сизнинг ташқи ҳусни-жамолингизгагина ошиқ бўлганимда унда мендан шубҳалансангиз бўларди. Йўқ! Жамолингизни севиш билан бирга руҳият ва ақидангизни ундан ҳам ортиқ даржада севаман. Мен ўзимни сизнинг бир бўлагингиз деб биламан...» деса, Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт ёки ишқ қурбонлари» (1915) фожиасида Маҳмудхоннинг ўз севгилиси Марямхонга мактуби ҳам Баҳодирнинг Сўнага оилавий ҳаёт ва ҳақиқий ишқ-муҳаббат ҳақидаги мазкур мактубига ғоявий яқин ва ҳамоҳангдир: «Маслакда, фикрда, илмда энг биринчи ҳаётдош бўлган Марямхоним каби ҳақиқий бир кўнгил жононаси турган ерда, дунёнинг бошқа бир орзусига, ҳар қандай парирўй бой қизларига ҳавас қилмоқ мен учун ҳаромдир, ҳаром!»

Ёки бўлмасам, турк гуманист драматурги Абдулҳақ Ҳомиднинг ўтган асрда яратган «Ҳинд қизи» асаридаги («Духтари ҳинду») Ҳиндистондаги инглиз колонизаторларига қарши кураш руҳи билан тўлган ҳинд миллий ватанпарварлари образлари билан Абдурауф Фитратнинг XX асрнинг 20-йилларида Туркистонда яратган «Ҳинд ихтилолчилари» (1920) саҳна асаридаги Раҳимбахш, Дилновоз, Зулайҳо, Нуриддин, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги Отабекнинг мустамлакачиларга қарши миллий истиқлол йўлидаги курашлари тасвирларида ҳам ғоявий ҳамоҳангликлар, яқинликлар мавжудлигини кўрамиз. Бу ғоя, айниқса, ўзбек адабиётида Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги донишманд ота Юсуфбек Ҳожининг Тошкентдаги қипчоқ қирғинининг сабабини сўраган ўғли Отабекка Туркистон миллий мустақиллигига ичдан зарба бераётган ноаҳил, мансабпараст беклар хусусида куйиниб айтган куйидаги сўзларида ёрқин ифодаланади: «Иттифоқни не эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб-ичган мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди? Биз шу ҳолда кетадурғон, бир-биримизнинг тагимизга сув қуядурғон бўлсак, яқиндирки, ўрус истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келғуси наслимизнинг бўйниға ўрус бўйундуруғини кийдирган бўлармиз. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлиға тутқун қилиб топширғувчи — биз кўр ва ақлсиз оталарға худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим! Боболарнинг муқаддас гавдаси мадфун (дафн қилинган) Туркистонимизнинг тўнғизхона қилишға ҳозирлаган биз итлар яратғувчининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темур Кўрагоний каби доҳийларимиз, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Ибн Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилғонлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрағувчи албатта Тангрининг қаҳрига сазовардир, ўғлим! Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болаларини етим, хоналарини вайрон қилғувчи золимлар — қуртлар ва қушлар, ердан ўсиб чиққан гиёҳлар қарғишига нишонадир, ўғлим!..»

Бу фикрлар бугунги кунда фақат собиқ мустамлака Шарқ ва Туркистон халқларининг ўтмишдаги маданий тараққиёт ва миллий истиқлол йўлидаги кураш ғояларининг ёрқин бадиий ифодаси, солномаси бўлибгина қолмай, мустақилликка эришган буюк Ҳиндистон, Марказий Осиё (Туркистон) ва бошқа ердаги халқларнинг ҳам амалга ошган эзгу орзулари, миллий истиқлол ғоялари йўлидаги фидокорона курашувчилари ва уларнинг бу йўлда кечирган фожиа ва ғалабалари тасвирларидаги умумийлик, яқинликларини ҳам кўрсатади. Уларни ўз мустақилликлари йўлида бундан кейин бир-бирлари билан ўзаро яна ҳам аҳилликка, яқинлишишга ва тараққиётга даъват этади.

**Шерали ТУРДИЕВ**

